1999 йил **5** декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР! АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!

Сайловолди курашига кирар эканмиз, биз, ўз олдимизга унинг жараёнида номзодларимизнинг сайловларда кўпчилик ватандошларимиз овозини олишга эришишларини таъминлаш, сайлов якунлари бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида партиянинг нуфузли фракциясини тузиш, барча даражадаги давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида партия мавқеини мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқдамиз.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

2000 йил **9** январь

Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 23 ноябрь, сешанба • № 138 (25.533).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Баркамол авлод ворислари

Бугун Тошкентда Ўзбекистон акушер-гинекологларининг 5-съезди иш бошлади. Анжуманнинг Аёллар йилида ўтказилишида рамзий маъно бор. Зотан, жамиятнинг бойлиги, авлод баркамоллиги хотин-қизларнинг саломатлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Анжуманда дунёдаги тараққий этган Германия, Япония, Исроил, Туркия каби мамлакатларнинг етук мутахассислари, шунингдек қўшни Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистондан 350 нафар делегатлар иштирок этяпти.

Республика акушер-гинекологлари ассоциацияси президенти, тиббиёт фанлари доктори, профессор Деля Каримова бу ҳақда бизга шундай деди:

— Юртнинг тинчлиги, осойишталигини баркамол соғлом авлод таъминлайди. Акушер-гинекологларимиз жаҳоний андозаларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг энг замонавий усулларидан фойдаланишга интилмоқда. Туғуруқхоналаримизда янги усулда «акушер-гинеколог + терапевт + педиатр» тизими фаолият кўрсата бошлади. Шу ўринда туғуруқнинг дастлабки уч соатини она ва бола биргаликда ўтказиш усули авлод баркамоллиги учун заминлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Зеро, хориждан анжуманга ташриф буюрган малакали мутахассислар билан тажриба алмашиш ҳам келажакда ўз натижасини беради, деб умид қиламан.

Саҳия САЙҲУН

Мангулик

Замонлар ўзгаради, инсоният янги-янги тузумлар барпо этади. Лекин маънавият, инсон ақл-идроки билан яратилган илмий ва бадиий асарлар асрлардан асрларга ўтиб келаверар экан.

Ана шундай алломаи замонлардан бири маърифатпарвар инсон Шорасул Зуннундир. У бутун ҳаётини шарқ фозилу уламоларининг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлади. Мустабид тузум даврида уларнинг дурдона фикрларини тўплаб «Оз-оздан ўрганиб доно бўлур» рукни остида халқимизга етказганди.

Истиқлол туфайли шарқшунос олим илмий-ижодий меросига яна қайтилди. Унинг бой бисоти асосида «Дурдоналар хазинаси» асари нашр этилди. Куни кеча «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида Шорасул Зуннуннинг 100 йиллиги нишонланди. Кечани таниқли адабиётшунос Наим Каримов очиб, олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритди.

Таниқли олимлардан Иззат Султон, Азиз Қаюмов ҳамда ёзувчи Мақсуд Қориев, концерн бош директори Ислом Шоғуломов сўзга чиқишди.

Айни пайтда Шорасул отанинг қариндош-уруғларидан Асқар Зуннунов, Фарҳод Зуннунов ва Наримон Зуннуновлар ўз эсдаликларини йиғилганларга ҳикоя қилиб бердилар.

Юнус ЗИЁДОВ

Сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кирди.

Тошкент шаҳридаги 19- Мевазор сайлов округига қарашли 425- сайлов участкасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари намунали олиб борилаяпти.

Суратда: (чапдан) У.Тожибекова, Д.Асророва, Ф.Ўтегенова, М.Еримбетова, У.Арипова, М.Бегматова сайлов участкаси раиси И. Петайкина, котиба Г.Мингалиева, О.Расулова навбатдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Раис келмади... Ҳоким кечикди

Луқма

Ҳа, худди шундай бўлди. 144-Олтинсой сайлов округида номзодлар билан бўлиб ўтган учрашув кўпчиликнинг кайфиятини тушириб юборди. «Сайрак» жамоа хўжалигининг Духоба қишлоғида Олий Мажлисга номзоди кўрсатилган вакиллар билан бўладиган учрашив эрталаб соат 10.00 да белгиланган экан. Халқ жамулжам. Сайловчилар эрталабданоқ хўжаликнинг ёзги клубига йиғилишди. Соат 11.00 бўлдиямки учрашув бошланишидан дарак йўқ. Кўпчилик кетиб ҳам келди. Бошқалар безовта.

— Бу биринчи марта бўлаётгани йўқ, — дейди Олий Мажлис депутатлигига номзод Тошпўлат Абдурахмонов. — Кечаги учрашувда ҳам сайлов округи комиссияси раиси Тоҳир Абдуллаев ва туман ҳокими, Олий Мажлис депутатлигига номзод Рустам Алимовлар кечикиб келишувди.

— Бундай кутишлардан чарчадик, — дея фикрини билдиради иқтисод фанлари доктори, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Олий Мажлис депутатлигига номзод Хидирназар Оллоқулов.

Соат 11.25 да ҳокимнинг янги «ГАЗ-31» автомашинаси кўринди. Демак... Учрашув бўлади. Ҳоким Рустам Алимов машинадан тушибоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Менгтўра Қодировни чақириб, унга учрашувни олиб бериш тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатди. Округ сайлов комиссияси раиси Т. Абдуллаев эса айрим сабабларга кўра учрашувга келмаган эмиш.

Хуллас, 144-Олтинсой сайлов округида сайловчилар билан бўлган учрашув зўрма-зўраки, хўжакўрсинга бўлиб ўтди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 23 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	88,39
1 Австрия шиллинги	10,38
1 Англия фунт стерлинги	224,08
10 Бельгия франки	35,40
1 Голландия гульдени	64,80
10 Греция драхмаси	4,35
1 Дания кронаси	19,20
1 БАА дирхами	37,71
1 АҚШ доллари	138,50
1 Миср фунти	40,56
10 Испания песети	8,58
100 Италия лираси	7,37
1 Канада доллари	94,50
1 Хитой юани	16,73
10 Люксембург франки	35,40
1 Малайзия рингити	36,45
1 Германия маркаси	73,01
1 Польша злотийси	32,84
1 СДР	190,51
1000 Туркия лираси	0,28
1 Финляндия маркаси	24,02
1 Франция франки	21,77
1 Швейцария франки	89,10
1 ЕВРО	142,79
10 Жанубий Корея вони	1,18
10 Япония иенаси	13,08
1 Россия рубли	5,25
1 Украина гривнаси	29,77

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Шарҳловчи нигоҳи

Хавфсизлик ва ҳамкорлик – давримиз шиори

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида 54 мамлакат раҳбарлари ҳамда ЕХҲТ билан ҳамкорлик қилаётган бир қатор давлатлардан вакиллар иштирок этди. Анжуманда шу куннинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг XXI асрдаги янги тамойиллари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур учрашувдаги нутқи аниқ таклиф ва мулоҳазалари билан йиғилганлар эътиборини қозонди. Жумладан, унда ЕХҲТ ҳомийлигида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш таклифи ўртага ташланди. Халқаро терроризм бугунги кунда инсоният хавфсизлигига, мамлакатлар тинчлиги ва осойишталигига таҳдид солаётганлигини ҳисобга олсак, бундай марказ ташкил этилиши нақадар долзарблигини ҳис этишимиз мумкин. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида террорчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаб, уларнинг қабиҳ ниятлардаги ҳаракатларига ёрдам бераётган ташкилотларни илдизи билан йўқотиш орқалигина мамлакатлар хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

1975 йилда Хельсинки шаҳрида 35 мамлакат раҳбарларининг иштирокида ўтган ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган жараён жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Истанбул учрашувида хавфсизлик масалалари билан бирга иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ҳамкорликнинг турли жиҳатлари муҳокама қилинди. 1994 йилдан буён аъзо мамлакатлар томонидан муҳокама қилинаётган "Европа хавфсизлик хартияси" ҳам ушбу анжуманда имзоланди. У Хельсинкидаги якунловчи ҳужжат, 1990 йилда имзоланган Париж хартиясидан кейин ЕХҲТнинг муҳим дастурий ҳужжати бўлиб қолади.

Анжуман давомида дунё халқларини тўлқинлантириб турган бир талай муаммолар муҳокама қилинди. Европа қитъасида оддий қурол-яроғларни қисқартириш масаласи шулар жумласидандир. Бу ҳақдаги шартнома ҳозиргача 30 мамлакат томонидан имзоланган. Янги таҳрирдаги шартнома учрашув қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди. Шунингдек, Чеченистон, Косово, Тоғли Қорабоғ муаммолари, аъзо мамлакатларда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда кучларни бирлаштириш каби масалалар кўриб чиқилди. Учрашув якунида барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан Декларация қабул қилинди.

Учрашув доирасида Озарбойжон, Грузия ва Туркия раҳбарлари Боку-Жайҳон (Туркия) нефть қувурини барпо этиш бўйича битим имзоладилар. Каспий денгизи ҳавзаси нефть маҳсулотларини дунё бозорларига чиқаришни қулайлаштирадиган 1700 километрлик нефть қувурини 2004 йилда қуриб битказиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон 1992 йилда Хельсинки якунловчи ҳужжатини имзолаб, бу ташкилотга аъзо бўлган эди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ЕХҲТнинг Марказий Осиё республикалари билан алоқалар бўйича Бюроси ишлаб турибди. Тошкентда ЕХҲТнинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди. "Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар" мавзусидаги халқаро кенгаш, "Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида" мавзусидаги семинар бунга мисол бўла олади. Бу анжуманларда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарбия соҳасидаги вазифалари кўриб чиқилди.

Истанбул учрашувида ЕХҲТнинг мақсад ва вазифалари, ваколатлари борасида ҳам қизғин баҳс ва мунозаралар бўлиб ўтди. Шуни қайд этиш жоизки, бугунги халқаро вазият минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш, халқаро можароларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, иқтисодий ва экология муаммоларини ҳал этиш борасида ЕХҲТнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу нарса аёнки, мамлакатлар олдида турган иқтисодий-ижтимоий масалаларни фақатгина хавфсизлик ва фуқароларнинг осойишта турмушини таъминлаш орқали ҳал этиш мумкин.

ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашувида бу нуфузли халқаро ташкилотнинг кейинги йиллардаги фаолиятига баҳо берилди, янги устувор йўналишлар белгиланди. ЕХҲТнинг янги аср талаблари ва эҳтиёжлари асосида шакллантирилган ҳаракат дастури Европада ҳамда жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

Террорчилар ўтолмайди

15 ноябрь куни Янгиобод шаҳри яқинида юз берган террорчилик хуружини бартараф қилиш ва оқибатларини тугатиш ишлари жадал бормоқда. Республика хавфсизликни таъминлаш идоралари ҳар қандай фавқулодда вазиятга тўлиқ тайёр эканлигини яна бир бор намойиш қилди. Аҳоли ҳам ҳушёр эканлиги, мамлакатимиз тинчлигини бузишга интилаётган экстремистларга етарлича қаршилик кўрсатишга шай экани маълум бўлди.

Хабар қилинганидек, «Угом-Чотқол миллий парки»нинг тўрт нафар ходими ўзига бириктирилган ҳудудни назорат қилиб юрган пайтда қуролланган тўрт кишига дуч келди. Браконерлар бўлса керак, деб гумон қилган назоратчилар улардан қуролларни ташлашни талаб қилди. Нотаниш «сайёҳлар» уларнинг буйруғини бажарди. Аммо сиртдан мўмингина кўринган одамларнинг аслида ёвуз жиноятчи эканини дарров пайқаш қийин эди. Бу хатонинг баҳоси эса умр қадар экан. Бандитлар қўйнига яширган қуролларини чиқарган пайтда назаротчилардан бири ов милтиғидан уларнинг бирини оғир ярадор қилишга улгурди. Бироқ яхши қуролланган ва тайёргарлик кўрган жиноятчилар уч назоратчини отиб ўлдирди. Қўлидан яраланган Николай Исаевни эса босқинчилар яраланган шериклари учун врач топиб бериш шарти билан тирик қолдирди.

Уч нафар террорчининг доимий кузатувида бўлган Николай Исаев йўлда ўзи бошқариб келаётган «Нива» машинасини жар томон буриб юборди. Машина террорчилар билан бирга пастга қулаб тушди. Н.Исаевнинг ўзи ярадор қўли билан эшикни очиб, сакраб тушиб қочишга ва яширинишга улгурди. У, ярадорликдан, очликдан ва совуқдан ҳолсизланган бўлса-да, қоронғи тунда ўн километрдан зиёд йўл босиб, тоғ оралаб Янгиобод шаҳрига етиб келди. Бир кун олдин Ангрен тоғларига қалин қор тушганини, изидан қидириб келаётган террорчиларга дуч келиб қолмаслик учун фақат йўлсиз нишабликлардан юришга тўғри келганини эътиборга олинса, Н.Исаевга осон бўлмаганини тасаввур этиш мумкин. У шаҳарга келибоқ бўлган ходиса ҳақида милицияга хабар қилди.

Бу орада Н.Исаевнинг номаълум шахслар билан юрганини ва уларнинг мулоқотларида нотабиийлик борлигини кўрган маҳаллий аҳоли вакилларидан бири Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлимига хабар қилган эди. Қуролланган номаълум шахслар ҳақида хабар олган Янгиобод шаҳар милиция бўлими бошлиғи В.Говорухин воқеани текшириб кўриш учун ўзининг биринчи ўринбосари Б.Пўлатов ҳамда катта тезкор ходим А.Қорабоев билан бирга «Янгиобод» дам олиш уйига етиб келди.

Айни шу пайтда икки нафар террорчи дам олиш уйи директори Давлат Аҳроровни озиқ-овқат, тунашга жой топиб берасан, деб қийинқистоққа олиб турган эди. Жиноятчилар дам олиш уйининг дарвозасига келиб тўхтаган машинада милиция ходимлари борлигини кўргач, уларга қарата ўт очди.

Қуролли ҳужум уюштирилгани ва уч нафар оддий фуқаро, уч нафар милиция ходими ўлдирилгани ҳақидаги машъум хабардан воқиф бўлган Ангрен шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари дарҳол оёққа қалқди. Дам олиш уйи ҳудудига биринчилардан бўлиб шаҳар жиноят қидирув бошқармасининг бошлиғи Имомали Мирсоатов ва назоратқўриқлаш хизмати бошлиғи Вагиф Гасимов ўз шериклари билан етиб келди. «Биз етиб келганимизда ҳалок бўлган ҳамкасбларимизнинг жасади ҳали совумаган экан. Афсуски, уларга ёрдам беришнинг иложи бўлмади», дейди В.Гасимов.

Тезкор штаб тузилиб, бўлиб ўтган ходиса ҳақидаги хабар Ички ишлар вазирлигига етказилди. Мамлакат хавфсизлигига дахлдор вазиятларда амал қиладиган режа бўйича иш бошланди. Дарҳол Ички ишлар вазирлигининг раҳбарлари ва террорчиликка қарши курашувчи махсус бўлинмалар Янгиободга етиб келди. Жиноятчиларни қидириш ишлари бошланиб кетди. Террорчилар қочиб кетиши мумкин бўлган йўлларни тўсиш учун чегара бўйлаб назорат постлари ташкил этилди.

— Биз тоғнинг ҳар қаричини вертолётдан синчиклаб текширишни бошладик, — деб ҳикоя қилади бўлинма бошлиғи Жўрабек Раҳматов. — Ниҳоят, жиноятчилардан бир гуруҳини дам олиш уйидан ўн беш километрча узоқликда, қайинзорда яширириб ётган еридан топишга муваффақ бўлдик. Қалин қор қоплаган дарахтзор ерга вертолётнинг қўниши қийин бўлди. Шунинг учун ўн метрча баландликдан пастга сакрадик. Бизнинг таслим бўлиш ҳақидаги талабимизга террорчилар ўқ отиш билан жавоб қайтарди. Қурол ишлатишга мажбур бўлдик. Жанг жуда қисқа бўлди. Ахир, йигитларимизнинг тайёргарлиги олдида уларники нима бўлибди! Қолаверса, биз Ватан тинчлигини сақлаш учун қурол ушлаган одамлармиз. Адолат учун курашаётган кишилар мағлуб бўлмайди. Шу оддий ҳақиқатни террорчилар ҳам, уларнинг хориждаги раҳнамолари ҳам билиб қўйишса, ёмон бўлмасди.

Террорчилар гуруҳи пайдо бўлгани ҳақидаги хабар олинган заҳотиёқ барча кучлар тўлиқ жанговар ҳолга келтирилиб, қисқа вақт ичида бир ярим мингдан зиёдроқ ҳарбий террорчилар бўлиши эҳтимол тутилган ҳудудларни ўз назорати остига олди. Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг ўзаро ҳамкорликда ишлагани террорчилик ҳаракатининг ўша жойдаёқ бостирилиши учун замин яратди.

— Бугун жиноятчиларни тутмасак ёки яширинган жойида қириб ташламасак, улар эртага янаям сурбетлашади. Ўзбекистонга келишни орзу қилган террорчилар бу ерда яқинда Қирғизистонда бўлгани каби бемалол ўйнаб юришни хаёлига ҳам келтирмасин. Биз Ватанимизнинг барқарорлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилишга қасамёд қилганмиз ва уни бажаришга кучимиз ҳам, иродамиз ҳам етади, — деди биз билан суҳбатда оддий аскарлардан бири. Бу гапларни эшитиб турган офицерлар эса фахр билан жилмайиб қўйишди.

Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ** 220 Нашр индекси

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

1999 йил **5** декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Партиямизнинг олий мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

МУХАМАДИЕВ Пайзулло

111-Қорадарё сайлов округи

Муаллимлик машаққатли, лекин доно, зукко, ёшлар тарбияси бошқони бўлиши билан эл-юрт орасида ҳар доим ҳурматли, ардоқли. 1979 йил Тошкент давлат педагогика институтини битириб олий маълумотли бўлди. ХДП аъзоси бўлган, Пайзулло ака фаолиятини ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаб, ички ишларда милиционер, педагогика билим юртида, Каттақўрғондаги чорвачилик комплексида директор муовини, ҳунар-техника билим юрти директори, педагогика билим юрти директори ўринбосари, Каттақўрғон туман ҳокими ўринбосари, туман халқ таълими бўлимининг мудири бўлиб ишлади. Ҳозир эса 54-ўрта мактабда директор. Ёшларга таълим-тарбия бериш билан чарчамаган, тиниб-тинчимас, жўшқин, фидойи бу инсонга партиядошлари орасида қолаверса, туман, вилоят халқ таълими ходимлари омад тиламоқда.

АСЛИДДИНОВ Садриддин

120-Самарқанд сайлов округи

У ҳозир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд туман кенгаши биринчи котиби вазифасида ишлаяпти. 1951 йилда Самарқанд туманида туғилган. 1975 йили Самарқанд давлат университетини, 1990 йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент иқтисодиёт университети)ни тамомлади. Мутахассислиги ўқитувчи, иқтисодчи. Меҳнат фаолиятини Самарқанд туманидаги 25-ўрта мактабда бошлади. 1976 йилдан то шу бугунга қадар у кўплаб масъулиятли ишларда ишлаб келди. Иш жараёнида кишилар кўнглига йўл топиш ҳар қандай раҳбар учун энг муҳим хислат бўлмоғи кераклигини англади. Садриддин Аслиддинов Самарқанд туман ҳокимлигининг ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими мудири лавозимида ишлаган кезлари ташкилотчилик, ишбилармонлик ҳар қандай муаммони ечишга йўл топишига эга бўлди, десак янглишмаймиз. Номзодимиз дастурини сайловчиларнинг ўзи баҳолайди, албатта. Лекин бугундан узилиб яшаш, халқ ва миллат тақдирига бефарқ қараш ҳар қандай киши учун ёт фазилат деб тушунган С. Аслиддиновнинг ўз сайловчиларига айтар гапи бор. Шу билан бирга ҳар қандай ишни ўз вақтида амалга оширишга, уддалашга ҳаракат қилади. У бугунги номзод ва сайловчи орасида фақатгина ватан ва келажакнинг ёрқинлигини тўғри тушунишдан ўзга йўл йўқлигини чуқур англайди. С. Аслиддиновнинг партия ишидаги фаоллиги демократик жамият тараққиёти учун олиб бораётган саъй-ҳаракатлари мақтовга лойиқдир.

ИШБЕКОВ Искандар Дусмухамедович

112-Гўзалкент сайлов округи

Искандар илк меҳнат фаолиятини Каттақўрғон ёғ-мой корхонасида катта усталикдан бошлаган эди. Бунга ҳам мана, қарийб 30 йил бўлаяпти. Бу давр мобайнида у тажриба тўплади. Шу боис, унинг 1991 йил қадрдон корхонасига директор лавозимига тайинланиши бежиз бўлмади.

У ўз иш фаолиятини корхонада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. Давлат мулкининг бекаму кўст сақланишини таъминлаш, муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар ўртасида ўзаро ҳурматни жой-жойига қўйиш, ижтимоий, иқтисодий соҳаларни давр талаби даражасига кўтариш орзусида тиним билмай меҳнат қилмоқда.

— Бугунги кунда кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, моддий манфаатдорлигини ошириш, қийинчиликларни бартараф этиш асосий вазифамиздир, — дейди Искандар Ишбеков.

Унинг фикрича, одамларнинг тинчлиги, фаровон яшашларида ҳикмат катта. Ғамхўрлик билан қуршалган инсон унумли меҳнат қилади. Бажарилаётган ишларнинг натижаси тўғри баҳоланса, одамлар қадрланса, жўшиб ишлайди, юртга кўпроқ фойдаси тегади.

Каттақўрғон ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу даврига қараганда 149 фоизлик ўсишга эришди.

Ҳиссадорлар 1998 йил натижасига кўра ҳар юз сўм акциясига 200 сўмга яқин дивиденд олишди. Бу корхонанинг бозор иқтисодиётига дадил кириб бораётганлигидан далолат беради. Бунда ишчан раҳбарнинг ишбилармонлиги, талабчанлиги қўл келмоқда.

ТАНИЕВ Элибай

116-Пастдарғом сайлов округи

У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли.

Элибай 1941 йилда Пастдарғом туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, йигитлик бурчини ўтади. Сўнг шофёрлик курсини тамомлаб, 1968 йилгача Жума шаҳридаги 100-автокорхонада чилангар, ҳайдовчи бўлиб ишлади. 1973 йилда Украина Республикаси Нежин Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлади. Шундан сўнг Пастдарғом туманидаги 13-ўрта мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Кейинчалик ўзининг нимага қодирлигини қишлоқ хўжалиги соҳасида синаб кўришга аҳд қилди. «Прогресс» давлат хўжалигида бригадир, бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади.

1993 йилдан буён ҳозирга қадар шу тумандаги «Янгиобод» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда. Бахтини шу соҳадан топди.1992 йилда унга «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилди. У қайси вазифада ишламасин ўз олдига қўйилган вазифаларни баҳоли қудрат бажаришга ҳаракат қилади.

У Халқ депутатлари Пастдарғом туман кенгашининг депутати сифатида жамоат топшириқларини ҳам сидқидилдан адо этишга куч-ғайратини аямаяпти.



ХАМРОКУЛОВ Рахмонкул

121-Улуғбек сайлов округи

1952 йилда туғилган Рахмонкул Хамрокулов ЎзХДП Самарқанд вилояти кенгашининг биринчи котиби. 1974 йил Самарқанд давлат университетини, 1986 йилда эса Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган. Инглиз, рус тилларини яхши билади.

Иш фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Сўнг эса партия ишларида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Р. Хамрокулов вилоятда обрў ва ҳурматга сазовор инсон. Мамлакатимизда олиб борилаётган катта ишлар замирида халқимизни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи муҳим ўрин тутишини яхши англайди. Энг асосийси, у талабчан, уддабурон раҳбар. Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини топишга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган жонкуяр мутахассис. Раҳбарлик масъулиятини яхши ҳис қилган Р. Хамрокулов парламентда қабул қилинажак барча қонунларга ўз муносабатини билдира олиш қобилиятига эга инсондир

ТИЛАВОВ Салим Умбарович

113 -Нарпай сайлов округи

Салим бундан қарийб қирқ йил аввал Каттақўрғонга ёндош Меҳр қишлоғида таваллуд топди. Бўз болакай Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. У талабалик йилларида ўзининг синчковлиги, ҳушёрлиги, масъулиятни ҳис этиши, айниқса турли воқеаларга холис ва адолатлилик билан қарашидан эътибор топди.

Салим меҳнат фаолиятини «Сурхонсовхозсувқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмасида катта юристликдан бошлади. Ундаги қобилият, ишда ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги вилоят мутасаддиларининг диққатини тортди ва унга янада каттароқ масъулиятлироқ вазифани лойиқ кўришди. У вилоят прокуратурасининг нозири, Сариосиё прокуроринг ёрдамчиси, вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, Шеробод тумани прокуратураси терговчиси, вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилиб, истиқболли кадр сифатида танилди.

Салим Умбарович Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими прокурори, шу йил баҳоридан бошлаб эса криминалистика бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётир. Эзгу ниятли бу инсоннинг бош шиори— адолат.

ХУДАЙБЕРДИЕВ Шадибой

117 -Чархин сайлов округи

Болалиги Пастдарғомнинг «Тўртайғир» қишлоғида кечган Шадибой ака мактабдаёқ ўқитувчи бўламан деган орзу билан ўқиди, изланди. Ниҳоят, Фарғона давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни муваффақиятли якунлади. Талабалик даврида бир фикр унга тинчлик бермасди. Чунки битириб борганимда мактабда ёшларга бошқалардан кўра янгича билим беришим ва менинг йўлимни кейин келганларга мактаб раҳбарияти ўрнак сифатида кўрсатишини хоҳлар эдим, деди. Ҳа, шундай бўлди.

Оддий ўқитувчиликдан тортиб, туман халқ таълими бўлимида услубчи, мактаблар нозири, услубий кабинет мудири, Пастдарғом туманидаги 69-ўрта мактаб директори, «Машъал» жамоа хўжалиги раиси муовини, туман хўжаликлараро «Нурафшон» оромгоҳи бошлиғи бўлиб ишлаган Шадибой ака ҳозир 31- ўрта мактабда директор лавозимида ишлаб келмоқда.

ЎзХДП аъзоси Шадибой ака бугунги кунда туман, қишлоқ мактабларида кабинет системасида ўқитиш, илғор тажрибаларни мактабларга олиб кириш, уни оммалаштириш ҳамда халқ таълими тизимини тараққий эттиришга ҳисса қўшмоқда.

БОЙМУРАДОВ Худойберди Мелибоевич

122- Тайлоқ сайлов округи

Тайлоқ туманидаги «Боғизоғон» ижара хўжалиги мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб истиқлолимизнинг ойдин йўлидан дадил ва алп қадамлар билан юксалиш сари олға интилмоқда. Бу бежиз эмас, негаки унинг раҳбари бугунги кунда ишбилармон.

Ёш мутахассис, «Шуҳрат» ордени соҳиби Худойберди аканинг хўжаликдаги бош-қош бўлган ишларидан бир шингилини сайловчиларга айтиб қўймоқчимиз. Ҳозирги кунда 12 та қишлоқ тўлиқ газлаштирилган, ичимлик суви билан таъминланган, кунига 5 тонна сутни қайта ишлайдиган, бир кунда 2 минг дона яшик ва бетон ғиштлар тайёрлайдиган цехларда бугун юзлаб ёшлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Яқинда 7 минг ўринли ўйингоҳ ҳашар йўли билан қуриб фойдаланишга топширилди. Теннис корти, сузиш ҳавзалари ишга тушириш арафасида, буларнинг барчаси қишлоқ йигит-қизларининг туман, вилоят ва республика мусобақаларида фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашларига имкон беради.

Фикри одил, тадбиркор раснинг айтишича, ер асосан ижарачиларга берилганлиги учун қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиняпти. Бу йил даромадининг учи 120 миллион сўмга бориб тақалаяпти, олинган даромаднинг ҳаммаси қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, халқнинг яшаш шароитини фаровон қилишга сарфланади.

Ҳа, «Боғизоғон»да истиқлолнинг саккиз йиллиги том маънода бўй кўрсатди. Бунда ёш, тадбиркор раҳбар Худойберди Боймурадовнинг ишбилармонлиги, янгиликка ўчлиги қўл келмоқда.

ҚИЛИЧОВА Рохила Рамазановна

114- Нуробод сайлов округи

Асли қарнаблик Рохила опа эл соғлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келаётганига мана 25 йил бўлибди. Вақт ўтиб кетавераркан, лекин иш жараёнида из қолдириш оғир. Шу ишлари билан тиббиёт соҳасида шогирдлар тайёрлади, устозлари берган илмни амалиётда қўллаб, кам бўлмади. Ҳукуматимизнинг юксак «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди, соғлиқни сақлаш аълочиси нишондори, Олий тоифали акушер-гинеколог.

1975 йил Самарқанд тиббиёт институтини имтиёзли тугатган. ХДП аъзоси.

Рохила опа бугун 4 фарзандини тарбияламоқда. Яхши сўз инсонга кучқувват бахш этади, шифокорнинг илиқ сўзлари ҳар дамда беморлар дардига малҳам.

Рохила опанинг орзулари бисёр — эл-тинчлиги, соғлиги йўлида ҳали қиладиган ишлари олдинда.

ЙЎЛДАШЕВ Зафар Салохиддинович

118-Пайариқ сайлов округи

Мустақил мамлакатимиз тараққиёти, келажагимиз бугунги ёшлар қўлида. Ёш кадрлар нечоғлик салоҳиятли бўлишса, ўз ишини пухта эгаллашса албатта, юртимиз келажаги порлоқ бўлади. Партиямиз томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзоди кўрсатилган Зафар Йўлдашев умидли кадрларимиздан бири. У 1971 йил Пайариқ шаҳрида туғилган. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тугатиб, Пайариқ туман таъмирлов ишлаб чиқариш корхонасида муҳандис-технолог бўлиб иш бошлади. Меҳнаткаш, ўзига талабчан бу йигит кейинчалик Пайариқ туман ҳокимлигида умумий бўлим мудири, туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси вазифасида ишлади. Масъулиятли ва талабчан З. Йўлдашев қаерда меҳнат қилмасин, билими ва юксак савияси билан ажралиб турди. Икки йилдирки у Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгаши биринчи котиби. Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туб моҳиятини чуқур англаган Зафар Йўлдашев туманда алоҳида ҳурматга, эътиборга сазовор. Ёш бўлса-да жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга чоғланган партиямиз аъзосининг сайловолди дастури ҳам бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Бунда ёшликнинг шижоати, фикрлар тиниқлиги ва ҳаётнинг долзарб масалаларига теран ёндошувни кўриш мумкин.

ЭРГАШЕВ Максадилло

123-Ургут сайлов округи

Ургут шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган Максадилло ака кулолчилик соҳасида ота-боболаридан қолган меросни давом эттириб, бугунги кунда ўзи бош-қош бўлган Ургут шаҳар республика миллий ҳунармандчилик лицейи директори лавозимида ишлаб келмоқда. У Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетини имтиёзли тамомлаб, дастлаб ўрта мактабда математика ўқитувчиси, 1-сон мактабда таълим-тарбия бўйича директор ўринбосари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимида етакчи мутахассис, шаҳар халқ таълими бўлими, туман халқ таълими бўлим мудирининг ўринбосари вазифаларида ишлаб келган. ЎзХДП аъзоси бўлган Максадилло ака миллий ҳунармандчилик соҳасида шогирдлар тайёрлаб, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, ёшларни халқ ҳунармандчилиги соҳасини ўрганиш бўйича турли номдор усталарга шогирд тутинтириб, ўзлари қизиққан соҳалари бўйича мутахассис бўлиб етишувида ҳисса қўшиб келаяпти.

У Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Республика Халқ таълими вазирлигининг, вилоят, туман хокимликларининг бир нечта Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.



РУЗИНАЗАРОВ Шухрат Нуралиевич

115-Оқдарё сайлов округи

Самарқанд вилоятининг Пастарғом туманидаги «Чандир» қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб, Самарқанд давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирган. Ихтисоси — ҳуқуқшунос. Рус, немис ва инглиз тилларини яхши билади.

Меҳнат фаолиятини Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институтида бошлаган. Талабаларга «Ҳуқуқ асослари» фанидан сабоқ берган ва амалий машғулотлар олиб борган.

Кейинчалик Самарқанд давлат университетида кафедра ассистенти, Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти хўжалик ҳуқуқи шўъбасининг лаборанти, кичик илмий ходими бўлиб ишлаган. 1988-90 йилларда у собиқ СССР Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтида тадқиқотчи изланувчи сифатида ўқишга юборилган, илмий иш билан шуғулланган. 1990 йилда юридик фанлари номзоди илмий даражасини олгач, Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг меҳнат ҳуқуқи ва фуқаролик жараёни шўъбаси мудири вазифасини бажарувчи, кейин шўъба мудири, шу институтнинг мулк ва бозор муносабатлари ҳуқуқий муаммолари бўлимининг мудири лавозимида фаолият кўрсатди.

1994-1999 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти девони референти, консультанти бўлиб ишлайди. Юридик фанлари докторидир, юздан ортиқ илмий монография, рисола, мақолалари чоп этилган.

Шуҳрат Рузиназаров 1999 йил апрелидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси бўлиб ишлаб келмоқда.

ОЧИЛОВ Холмурат

119-Пахтачи сайлов округи

Пахтачи туман ҳокимлиги молия бўлими мудири лавозимида ишлаб келаётган Холмурат Очилов 1942 йилда таваллуд топган. У қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур билимга эга. Одамлар билан самимий мулоқотга киришувчан, зиёли ва ишбилармон киши сифатида ажралиб туради. Меҳнат фаолиятини пахтачилик бригадасида ҳисобчи вазифасидан бошлаган. Холмуратнинг иш тажрибасига назар ташласак, қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китоб ишларини олиб боришни мукаммал эгаллаганлигига амин бўламиз. У 1972 йилда Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент иқтисодиёт университети)ни муваффақиятли тугатди. Мутахассислиги — бухгалтер-иқтисодчи.

— Бугун энг муҳими, ўз соҳасини севиш билан биргаликда ҳар қандай одам кишилар билан тўғри муносабатга кириша билиши керак. Тобора юксалаётган мамлакатимизда давр руҳини англаш, жамиятимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга молик қонунларни ҳис қилиш, уни ҳаётга тадбиқ этишда бефарқ бўлмаслик депутат учун энг муҳим. Агар, биз қонунни мукаммал билсак, тушунсак юртимизда демократик тамойилларнинг янада шаклланишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Сиёсий жиҳатдан фаол ва онгли кишилар яшайдиган жамият тобора юксалаверади, — дейди у.

ОБЛОМУРАДОВ Наим Халимович

124-Қуйиқишлоқ сайлов округи

Ҳаётдан олмаса таълим, ҳеч киши бўлолмас яхши муаллим, деганларича бор. Гап шундаки, Наим Халимович 1974 йили Тошкент давлат педагогика институтини битириб, оддий тарих ўқитувчисидан иқтисод ишлари мураббийси даражасига эришишни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Унинг табиатидаги тиниб-тинчимаслик, эришилган муваффақиятдан қаноатланмаслик, ҳамиша изланиш, билим ва малакани ошириш, қолаверса, қизиқувчанлик уни Тошкент давлат иқтисодиёт университети сари етаклади. Бу ерда катта ўқитувчи, доцент, «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида профессор, кейинчалик молия-иқтисод факультети деканининг тарбиявий ишлар бўйича муовини, сўнг молия институти мураббийлар кенгаши раиси, ҳозир эса институт проректори даражасига этди.

У кандидатлик диссертацияси учун «Ўзбекистон меҳнаткашларининг уруш йилларида озод қилинган районларнинг халқ хўжалигини тиклашдаги ёрдами» масаласини мавзу қилиб олди. 1994 йили эса «Ўзбекистонда қишлоқ ишлаб чиқаришининг ривожланиши» мавзусида тарих фанлари доктори унвонига эга бўлди. Кейинчалик иқтисод фанлари магистири ҳам бўлди. У қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ўзининг ташкилотчилиги, ибратомуз хатти-ҳаракатлари, ҳамиша яхшилик учун қуйиб-ёниши билан ёшларга намуна бўлиб келмоқда. Унинг бундай ҳислатлари оилавий тарбияда ҳам ўз самарасини беряпти, десак муболағага йўймаган бўламиз. Хусусан, ўғли Назрулла шу йил «Умид» жамғармаси орқали Президентимиз грантига сазовор бўлиб, Англиянинг Бермингем университетида магистратурада билим олишга эришди. Олимнинг 50 босма тобоқдан ортиқ илмий ишларининг эълон қилингани ҳам унинг билим доираси кенглигидан нишонадир.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ХАМРАЕВ Махматқул

125-Қоратепа сайлов округи

Ургутнинг Совғон қишлоғида таваллуд топган Махматқул мактабни битириб, Самарқанд зооветеринария техникуми, сўнгра Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида билим олди. Кейинчалик хўжаликнинг сут-товар фермасида ҳисобчи, собиқ «Москва» жамоа хўжалигида наслчилик ишлари бўйича зоотехник, жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг ўринбосари, жамоа хўжалигида бош зоотехник, ҳозирги пайтда Ургут тумани Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

ЎзХДП аъзоси бўлган Махматқул ака иш фаолияти даврида қишлоқ хўжалиги соҳасида режаларни ошиғи билан бажарилишига асосий диққат эътиборини қаратди. Айниқса, қишлоқ инфратузилмасига: қурилишга, ободончилик ишларига салмоқли ҳисса қўшди. Хўжалик ҳудудидаги бешта қишлоқни тўла ичимлик суви ҳамда 1400 хонадонни табиий газ билан таъминлашда, қишлоқнинг асосий йўлларига асфальт ётқизиш ишларига бош-қош бўлди. Хўжаликдаги мактабларни, болалар боғчаси биносини замонавий услубда бунёд этишда унинг хизматлари катта. Хўжалик бир неча йиллардан буён қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш бўйича режаларини ошиғи билан уддалаб келмоқда.

БАШМАНОВ Исамидин

126-Челак сайлов округи

Соғлиғингиз ўз қўлингизда, ўзингизни асрасангиз, парвариш қилсангиз, спорт билан шуғулланиб турсангиз, бетоблик ўз-ўзидан сизни четлаб ўтаверади, дейди Исамидин ака. Касби шифокор бўлган бу инсон Пайариқнинг Жиянбек қишлоғида туғилган. Самарқанд давлат тиббиёт институтини тугатиб қайтгандан кейин Каттақўрғон шаҳар марказий шифохонасида ҳамда 2-вилоят қон қуйиш станциясида врач, Пайариқ туман марказий шифохонасида врач-акушер-гинеколог, марказий поликлиникада бош терапевт врач, туман юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи, Челак тумани марказий шифохонаси бош врачининг ўринбосари ва айни пайтда Челак туман марказий шифохонаси бош врачи вазифасида ишлаб келмоқда.

ЎзХДП аъзоси бўлган Исамидин ака тиббиёт соҳасини яхшилаш борасида ўз билими ва бор кучини аямади. У ҳозирги туманлараро юқумли касалликларни даволаш шифохонасини қайтадан замонавий асосда таъмирлаш ва учта қишлоқ врачлик пунктини ташкил этишда бош-қош бўлди.

ДЖАНИКУЛОВ Шавкат Уракович

127-Қўшработ сайлов округи

Маълумотномасидан: Джаникулов Шавкат Уракович 1954 йили Қўшработ тумани, «Пичот» қишлоғида таваллуд топган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, ХДП аъзоси. Мутахассислиги ўқитувчи.

У 1976 йили Кировоград давлат педагогика олийгоҳини битирган. Ҳамиша билимини оширишга ҳаракат қилди. Шунинг учун бўлса керак Қўшработда оддий ўқитувчи бўлиб юрган кезларидаёқ, ундаги қобилиятни кўрган туман раҳбарлари ёшлар билан ишлаш, кейинчалик эса партиявий жабҳаларда ўзини кўрсатишга даъват этдилар. Иштихон партия қўмитасида йўриқчи, Қўшработ туман партия қўмитаси ташкилий бўлим мудири ўринбосари, кейинчалик она қишлоғида фуқаролар йиғини раиси, сўнг Қўшработ туман ҳокими ташкилий ишлар ва кадрлар бўлими мудири лавозимларида ишбилармон ва тадбиркор инсон сифатида ўзини кўрсата билди. Бултур у Қўшработ туман ҳокими ёрдамчиси бўлиб ҳам ишлади.

Ўйлаймизки, бу инсон мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг тинч-тотув яшаб, меҳнат қилишлари йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратини аямайди.

ТАШМЕТОВА Маъмура Абдуллаевна

128-Гулистон сайлов округи

Тақдир мисли палохмон тоши. Тақозоси шуки одамни қай ердан, қай юртга элтади, ҳеч ким билмайди. Тошкент шаҳрида, оддий ишчи Ташметовлар оиласида 1946 йилнинг қишида қизалоқ дунёга келди. Яхши ният билан унга Маъмура дея исм қўйишди. Болалиги Туркистон шаҳрида кечди. Мурғаккина қалбида оқ халатлиларга ҳавас уйғонди. Болаликдан «Мен шифокор бўламан!» дерди, 1964 йилда ўрта мактабни кумуш медаль билан тамомлагач, кўнглидаги истак қатъиятга айланди. Андижон давлат тиббиёт институтига ўқишга йўл олди. Ўқишини тугатгач, йўлланма билан чўлга, Сирдарёга келди. Маъмура болаликдан ўта қатъиятлик эмасми, вилоят шифохонасида акушер-гинеколог бўлиб иш бошлади.

Бахт ҳам инсоннинг кетидан излаб юради, дейишади. Бахтини шу ердан топди, шифокор-жаррох Сафар Бўронов билан оила қуришди. Икки қиз, бир ўғилнинг онаси бўлди. 29 йилдирки, эгнида оппоқ либос, чақалоқ йиғисини эшитиб яшайди.

Беҳаловат тунлар ўз самарасини берди, қадрланди. «Соғлом авлод учун» ордени билан 1994 йилда биринчилардан тақдирланди. Оддий акушер-гинекологликдан вилоят шифохонаси туғуруқ ишлари бўйича врач муовини даражасига кўтарилди.

«Дунёни, саҳарни чақалоқлар йиғиси уйғотади» — дейди Маъмура Абдуллаевна. Ҳар тонг ишга отланаркан кўнглидан бир ўй кечади: Ҳали бу элда қанча Алпомишлар, Рустаму Достонлар дунёга келади. Уларнинг илк йиғисини эшитишдан ортиқ бахт борми, дунёда».

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

НОРБУТАЕВ Хусан Салимович

130-Боёвут сайлов округи

У одатий иш кунини қабулхона котибасидан «Мени ҳеч ким сўрамадими?»дан эмас, иш столи устидаги йилнома варағига кўз югуртиришдан бошлайди. Кеча улгурилмаган бирор юмуш қолдими?

Бугун ҳам худди шундай. «Оилавий келишмовчилик». Исми-шарифига қаради-ю, бироз ўйланиб қолди, дуппа-дуруст хонадон, ака-ука можароси. Бир қарашда бу можаролар суд, милициянинг ишидай туюлади. «Йўқ, раҳбарлик оиланинг бошлиғидай гап. Ахир, катта оилангизнинг борини ошириб, йўғини яширсангизгина хонадоннинг обрўйи бўлади-да. Модомики, шу ширкатга раҳбарманми, демак, элнинг тинчлиги, осойишталиги менинг гарданимдаги энг оғир ва шарафли юк».

Ҳа, Хусан Норбутаев шундай раис, элнинг осойишталигига фидойи одам. Унинг меҳнат фаолияти, таржимаи ҳоли ҳам бир қулоч эмас. Оилали, 6 фарзанди бор. Меҳнат фаолиятини Боёвут туманидаги алоқа бўлимида ҳисобчиликдан бошлаган. 1973 йилдан 1997 йилгача Боёвут ва Ховос туманларида муҳандис ва директор ўринбосари, пахта тозалаш заводида бўлим мудири, ҳосилот ва бошқа қатор лавозимларда ишлади. 1997 йилдан Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкат хўжалигига раис.

«Фарҳод» ширкатлар уюшмаси бугунги кунда иқтисодий ислоҳотлар йўлидан дадил боряпти. Режалар ортиғи билан уддаланяпти.

Бу, демак, раис айтмоқчи, элнинг осойишталиги, хонадон хотиржамлиги мевасидир.

СИНДАРОВ Абдурашид Жахангирович

131-Сайхун сайлов округи

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак». Топиб айтилган гап. Ёш болали оналар, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга мунтазам ёрдам бериш, уларнинг мушкулини осон этишни биринчи галдаги бурчим, деб биламан».

Абдурашид Синдаровнинг сайловолди дастурининг асоси шу ғояга йўғрилгандир. Ҳар бир инсон яхши ният билан яшайди. Абдурашид Синдаров ўз меҳнат фаолиятини савобли ишларни амалга ошириш билан бошлаган.

Эзгу- ниятнинг қаноти — илм, билим, тажриба. У 1973-1978 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олди, муҳандис-гидротехник мутахассислигини эгаллади. 1978-1980 йилларда Гулистон шаҳри саноат ва фуқаролик қурилиши механизациялаш кўчма жамланмасида муҳандис-геодезист бўлиб иш бошлади. У қаерда меҳнат қилмасин ҳамиша олижаноблик, одамлар кўнглига йўл топишга интилди.

Ҳозирда у Сайхунобод тумани «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси.

Эл хизматидаги инсон 1996 йилда юксак мукофот — «Дўстлик» ордени соҳиби бўлди.

Маълумки, Сайхунобод ерларининг мелиоратив ҳолати анча мураккаб, шўрхок. Раис буни бир лаҳзаям унутмайди, ернинг-да «дарди»ни эшитади. Абдурашид Синдаров эл билан, ер билан тиллашган ажойиб инсон.

АРТУКБАЕВА Хайтхан

132-Сирдарё сайлов округи

Хайтхан келажакка катта умид билан қарайди. Жамият тараққиётининг эртаси учун қайғуради. Бу унинг қонида бор. У ёшларга ишонади ва уларнинг шижоатини қўллайди. Чунки меҳнат фаолиятининг асосий қисмини ёш авлод камолотига сарфлади.

Дастлаб, у иш фаолиятини 1966 йилда Гулистон шаҳридаги 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан иш бошлади. Хайтхан ёшликдан ҳур фикрлар, эзгу ишларга қўл урар, бошқаларни ўз ортидан эргаштира олишдай ноёб қобилиятли эди. Ҳамиша ҳақиқат учун тик туради. Хайтхан илмни, зиёни қадрлайди. Адолат маёғи ижодининг бош мезонидир. Кўнглидаги ижодга интилиш оддий ҳавас эмас. 1979-1989 йилларда «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасида муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлади. Чўл одамларининг ташвишини қаламга олди. Унинг қаҳрамонлари оддий меҳнат аҳли.

Шарқ аёлининг барига хос фазилат — оилапарварлик. Хайтхан уч нафар фарзандининг теграсида парвона

Яратган инсонга кўп истеъдодни ато этиши мумкин. Лекин интилишсиз истеъдод унга ҳеч нарса бермайди. Хайтхан Артукбаева доимо изланиб, эзгуликка интилади.

Эл юкини енгил қилишдай хайрли ишларга кўнглида рағбат сезиб яшайди. Зотан, юрт ташвиши, эл равнақи унинг орзусидир.

АХМЕДОВ Умаркул

129-Янгиер сайлов округи

Болаликнинг бағри кенг. Кимнинг келгусида ким бўлиши айни шу болаликнинг кенг дунёсида туғилади. Одатда кўпчилик болаликда шифокор , ҳуқуқшунос, санъаткор бўлишни орзу қилади.

Чўл ўғлонларининг орзусиям бошқача бўлади — шу оёғи остидаги заминни гуллатиш. Умаркул ака асл чўл фарзанди. 1949 йилда Ховосда туғилган. Унинг ёшлик чоғидан қурувчи муҳандисдай машаққатли касбни танлашига шу юртни яшнатиш туйғуси туртки бўлганди.

Тан олиш керак, қурувчилик хайрли касб-кор, аммо, унинг заҳмати тарозининг посонгисини босиб тушади. Умаркул шу йўлдан борди. Интилишни билим билан мустаҳкамлади. Тошкент темир йўллар транспорти институтида таҳсил олди. 1973 йилда олийгоҳни тамомлагач, яна тўғри чўлга «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасига йўл олди.

Изланишлари бўй кўрсатди. 1973-1979 йилларда 111-механизациялашган кўчма жамланмада қурилиш устаси, иш юритувчи, участка бошлиғи бўлиб ишлади. 1991 йилнинг апрелида янги ташкил топган «Саноатфуқароқурилиш» трести бошқарувчиси бўлиб ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Истиқлол эпкинлари чўлдаям ҳур-ҳур эсди. Азалдан эл ободлигига иштиёқманд одамларга бу зўр қанот бўлди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» энди чўл қўйнида жаҳоний кўркдаги иншоотлар қуришга шайланди.

Бугунги кунда Мирзачўл кўркига кўрк қўшиб, савлат тўкиб турган Гулистон шаҳридаги капитал қурилиш бошқармаси биноси, Янгиер, Ширин шаҳридаги замонавий турар жойлар қурилишида унинг хизмати катта. Мирзачўлнинг янада обод бўлиши учун Умаркул акадай инсонлар керак. Зеро, бугун эл эъзозлаб унга ишонч билдирмоқда.

СИНДАРОВ Абдурашид Жахангирович

131-Сайхун сайлов округи

«Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак». Топиб айтилган гап. Ёш болали оналар, кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларга мунтазам ёрдам бериш, уларнинг мушкулини осон этишни биринчи галдаги бурчим, деб биламан».

Абдурашид Синдаровнинг сайловолди дастурининг асоси шу ғояга йўғрилгандир. Ҳар бир инсон яхши ният билан яшайди. Абдурашид Синдаров ўз меҳнат фаолиятини савобли ишларни амалга ошириш билан бошлаган.

Эзгу- ниятнинг қаноти — илм, билим, тажриба. У 1973-1978 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олди, муҳандис-гидротехник мутахассислигини эгаллади. 1978-1980 йилларда Гулистон шаҳри саноат ва фуқаролик қурилиши механизациялаш кўчма жамланмасида муҳандис-геодезист бўлиб иш бошлади. У қаерда меҳнат қилмасин ҳамиша олижаноблик, одамлар кўнглига йўл топишга интилди.

Ҳозирда у Сайхунобод тумани «Шўрўзак» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси.

Эл хизматидаги инсон 1996 йилда юксак мукофот — «Дўстлик» ордени соҳиби бўлди.

Маълумки, Сайхунобод ерларининг мелиоратив ҳолати анча мураккаб, шўрхок. Раис буни бир лаҳзаям унутмайди, ернинг-да «дарди»ни эшитади. Абдурашид Синдаров эл билан, ер билан тиллашган ажойиб инсон.

ХОЛБЎТАЕВ Исматула

133- Сардоба сайлов округи

Исматула иқтисодчи-ҳисобчи. Халқда нақл бор, ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар. Исматула турмушнинг паст-баландини кўрган инсон, тежамкор жамоа бошлиғи. Тежамкорлиги шундаки, ўзи етакчилик қилаётган Ш. Рашидов тумани Узоқов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари бирлашмаси аъзоларининг ижтимоий яшаш тарзи тубдан яхшиланди.

Ҳисобчи эмасми, бир ишни бошлашдан олдин ундан келадиган фойда, зарарни ҳам чўтга ташлайди. Бу айтишга осон. Чунки хомчўт қилганда ҳам жуда аниқ, етти ўлчаб бир кесган раҳбаргина хўжаликни «ўтириб қолиш» балосидан сақлайди.

Исматула Холбўтаев асли зоминлик, 1956 йилда туғилган. Ўз меҳнат фаолиятини 1974 йилда Ш. Рашидов тумани жамғарма банкида инспекторликдан бошлаган. 1981-1982 йилда Ховос тумани кўчатчилик хўжалиги бош ҳисобчиси, сўнгра бошқа идораларда масъул лавозимларда меҳнат қилди. Бир сўз билан айтганда, босқичма-босқич тажриба орттириб борди.

Исматула Холбўтаев иқтисодчи раҳбар, ташкилотчи. Айниқса, унинг истиқлол йилларидаги иш фаолияти, иш юритишнинг бугунги кун талабидан келиб чиқиши, бутунлай янгича тарзда, ғайрат билан эл корига яраётганидан далолат бераётир.Донишманддан сўрабдилар: ниманинг кўпи зарар қилмайди? Донишманд дебди: илмнинг, касб-корнинг. Тошкентда олган билимлари ҳозирда унга жуда асқотяпти.



АМИРҚУЛОВ Курбон

134-Бойсун сайлов округи

Қурбон Амирқулов бир вақтлар оддий тракторчи эди. Кейинчалик туман техника таъминоти бирлашмасида раис муовини, туман «Қишлоққимёсаноат» бирлашмаси раиси вазифаларида ишлади.

1984 йилдан Музработ туман дон маҳсулотлари комбинати бошлиғи сифатида бутун воҳа халқининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Унинг бевосита бошчилигида Музработ туманидаги 7 та жамоа хўжалиги тўлиқ газ ва сув билан таъминланди.

Корхона ҳисобидан «Янгиобод» хўжалигида сув чиқарадиган насос станцияси, ун, омухта ем, шоли оқлайдиган заводлар ва иккита супермаркет, нон заводи ишга туширилди.

Қариялар, ногиронлар, мактаб, шифохона, масжид ҳамда болалар уйига бепул қувур бериб, газлаштириб, кўпнинг дуосини олди.

Ўзи туғилган Бойсун туманига 70 км. газ қувури тортилишида Қурбон аканинг ҳиссаси катта бўлди. У Сурхон воҳаси, Бойсун тоғ-адирларини боғу бўстонга айлантириш иштиёқи билан ёнмоқда. Тоғ ён бағирларига сув чиқариш учун корхонаси ҳисобидан 1450 метрлик тоғни тешиб Паданг дарёсини адирларга бурмоқда.

Қурбон Амирқуловнинг Швейцариянинг «Бюллер», Германиянинг «Винклер» фирмалари билан олиб бораётган ҳамкорлиги унинг режаларини янги поғонага кўтарди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ХОЛИҚОВ Эшонқул Зоирович

136-Қизириқ сайлов округи

Қизириқ туманининг иқтисодини йўлга қўйиш учун бир билимдон, собит раҳбар Эшонқул Холиқов бел боғлаб чиққан экан, унга фақат омад тилаш керак. Халқ дарди билан ҳамнафас бўлиш, элнинг эҳтиёжи учун курашиш шарафли, савобли. Биз ишонч билан қараётган Эшонқул Холиқов ҳозирда «Гиламбоп» ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишламоқда. Бу киши қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши билади. Шуни айтиб ўтиш жоиз, ерни билган, ер билан тиллашадиган инсон ўша ерда яшовчиларнинг ҳам қалбини билади. Эшонқул Холиқов туманда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган вақтларидаёқ бу ернинг ютуқ ва камчиликларини, муаммоларини яхши ўрганиб олганди. Яшаётган еридаги аҳвол билан доимо ҳамнафаслик кишига ҳурмат-эҳтиром олиб келади.

КУЧКИНОВ Абдималик

137- Ангор сайлов округи

Абдималик Кучкинов 1956 йил Ангорда туғилган. У меҳнат фаолиятини 1978 йил Ангор пахта тозалаш заводи ишчилигидан бошлаб, 1982 йилга қадар чилангар, механик, уста вазифаларини бажарган. Абдималик Кучкинов 1982 йилдан ҳозиргача Ангорпахта тозалаш заводи бош муҳандиси, Сурхондарё вилоят пахтани тайёрлаш ва қайта ишлаш бирлашмаси бошлиғи муовини, Музработ пахта тозалаш заводи директори бўлиб ишлаган. Ҳозирда «Ангор пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси бўлиб ишламоқда. Абдималик Кучкинов тўқимачилик ва енгил саноатни туманда кенг жорий қилувчилардандир. Қишлоқ шароитида бундай саъй-ҳаракат одамларни иш билан таъминлаш баробарида уларнинг турмуш шароитини яхшилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

УБАЙДУЛЛАЕВ Зиёдулла Сагдуллаевич

135-Шеробод сайлов округи

Ҳуқуқий соҳанинг устаси бўлган инсон ўзини ҳам, ёнидагиларни ҳам ҳимоя қила олади. Зиёдулла Убайдуллаев 1985 йилдан 1990 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида турли лавозимларда ишлади. Шунингдек, Нариманов шаҳар прокурори, Бектемир туман прокурори вазифаларида ҳам ишлади. Шунча меҳнатлардан тажриба орттирган Зиёдулла Убайдуллаев кўпчиликнинг ишончини қозониб юқори вазифаларга кўтарилди. Эътибор қилинг, «лавозим» сўзи «вазифа» сўзидек жарангламайди. Чунки, одам ўзига берилган баҳони тўғри тушуниб, амал курсисини эл олдидаги масъуллик ва ўта муҳим вазифа дея олса халқ олдида обрўси бўлади. Дарвоқе, «обрў» деган сўзнинг асл этимологияси форс-тожикча бўлиб, маъноси «юз суви» деганидир. Аввало, сайловлар жараёнида номзодларнинг халқ олдида «юз суви» бўлсин. Зиёдулла Убайдуллаев 1993 йилдан ҳозирги вақтгача Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳуқуқ тадқиқотлари маркази директори. Ҳақиқатан, халқ манфаатини юқори қўювчи инсон у ёки бу шаклда ҳуқуқий минбар тайёрлаши керак.

ЭРМАТОВ Ҳамро Эгамович

138-Музработ сайлов округи

Ҳамро Эрматов қайси бир ташкилотда ишламасин комил инсон тарбиясига, улар маънавий дунёсининг шаклланишига катта эътибор бериб келмоқда.

У ўтган беш йил давомида Олий Мажлиснинг депутати сифатида икки мингдан ортиқ фуқароларни қабул қилиб, уларнинг истак ва хоҳишларини ижобий тарзда ҳал қилишга мушарраф бўлди.

Айниқса, Туркманистондан Термиз шаҳригача бўлган 100 км. масофадаги газ қувурини таъмирлаш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, Термиз шаҳрида турли спорт иншоотлари қуриш, кўча-хиёбонларни ободонлаштириш, янги бозор қуриш ишлари бўйича ўз таклиф-мулоҳазалари билан ёрдам бериб воҳамизнинг равнақи учун муносиб ҳиссасини қўшди.

У томонидан чоп этилган жуда кўп китоб, брошюра, 150 дан ортиқ илмий-оммабоп, публицистик мақолаларда мамлакатимизда бўлаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, маънавиятни юксалтириш, маориф ва тиббиёт хизматини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби долзарб муаммолар ёритилган. Бу билан Ҳ. Эрматов жамиятимиз маънавий равнақи учун, хусусан янги мафкурамизнинг шаклланиши йўлида ғайрат кўрсатмоқда.

Сахифа материалларини Лутфулла Мамасолиев, Саида Йўлдошева, Абдумалик Ҳайдаров ва Шукур Жабборовлар тайёрлашди. (Давоми бор)

Маърифат фидойиси

Орамиздаги одамлар

Хатирчиликлар Дания опани устоз, дея эъзозлашади. Элнинг эҳтиромига лойиқ бўлиш ҳам ҳаммага насиб этавермайди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат машаққатларига бардош бериш, ўз касбидан фахрланиш, ютуқларидан руҳлана билиш керак. Шундагина қилаётган ишингдан мамнун бўласан, эртанги ютуқларингга руҳан замин яратасан. Дания Ҳамдамова ҳам бутун қобилиятини, илмда ортирган тажрибасини ёшларнинг билимли, салоҳиятли бўлиб вояга етишларига бахшида этаркан, ўтаётган умри беиз кетмаётганидан суюниб кўяди.

Хатирчи туманидаги Лангар кони посёлкасидаги Х. Абдуллаев номидаги 37-сонли мактаб аҳлидан сўрасангиз бир олам қувонч билан Дания опани мақтай кетишади. Мактабдаги рус тилини ўрганиш бўйича хона мудираси бўлиб ишлаётганига 17 йил бўлибди. Туман халқ таълимининг мақтов ёрлиғини олишда ҳам ўз касбига садоқат, улкан салоҳият мужассамлашади. Дания опа ҳар доим изланишда, ўз устида ишлашни ёқтиради. Айниқса, «Замонавий дарслик», «Синфдан ташқаридаги тадбирлар» мавзуларида кўпроқ шуғулланади. Бу ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтларини бекорчиликда ўтказмасликлари, бирор фойдали иш билан шуғулланишлари учун жуда қўл келади.

Дания Ҳамдамова 1993 йилдан буён мактабдаги методик бўлимни бошқариб келади. Ўқув методикасини тартибга солиш, ўқувчининг иқтидорини, ўзлаштириш қобилиятини эътиборга олиб дарс режаларини такомиллаштириш ҳар бир мураббийдан юксак қобилият, тажриба талаб қилади. Кексалар: барча касблар ичида энг оғири бола тарбияси, деб бежиз айтишмайди. Болаларга наинки билим бериш, балки ҳаёт сўқмоқларида ўзининг тўғри йўлини топиб кетиши учун йўналиш кўрсатиш, ундаги лаёқатни ўз вақтида англай олиш, асосийси устоз ўрнак кўрсатиши ўта муҳимдир. Кўпинча ёшлар катталарга қараб улғаяди, устозлардан ўз умрига мазмун ахтаради.

«Устоз отадек улуғ», — дейди халқимиз. Ота каби улуғлик ҳар бир устозга ҳам буюрилавермайди. Фарзанд Аллоҳнинг иродаси билан отанинг сабабчилигида дунёга келади. Унинг улуғлиги мана шунда. Лекин фарзанд дунёга келди дегани ҳамма нарса ҳал бўлди дегани эмас, инсонни аввал бошдан ҳазрати одам қилиб яратди, комил қилди. Фарзанд ўзлигини, яратилиш ибтидосини англаши учун уни баркамол қилиб тарбиялаш ҳам муҳимдир. Бола оилада олган билими, ўрганган одобидан ташқари ташқи муҳитда ҳам ўз сўқмоғи учун тажриба йиғади. Шу пайтда устоз ота қаторига чиқади. Фарзаннинг баркамол бўлиб вояга етишида отага тенглашади. Ҳадисда ҳам: «Илм ўзликни, Аллоҳни танитади», — дейилади.

Дания Ҳамдамова мактабга қадам ранжида қилаётган ёш педагогларга ҳам устозлик қилади. Билганларини ўргатишдан чарчамайди. Ҳаракат қилган одам хато қилади, деганларидек, ҳар бир ёш ўз йўлини топиб олгунча тўғри йўлда ҳам тойриниши мумкин. Шундай пайтларда Дания опа ҳамиша меҳрибон, суянч, йўлчидир. Хонасига кирсангиз деворлдаги кўргазмали қуролларни, дастурий режаларни, ноталари билан тасвирланган қўшиқларни кўриб ростдан ҳам жонкуяр мураббий эканлигига ишонасиз. Ахир болани тарбиялашда, билим беришда суратларга асосланган амалий дарслар нечоғли қўл келишини ўзингиз ҳам биласиз. Лекин шунчаки номига чизилган, зўрма-зўраки ишланган кўргазмали қуроллар болада эстетик завқ уйғотмайди. Қалбингизнинг қўрини, кўнглингизнинг меҳрини бериб ишланган росмана амалий ишлар барчанинг диққатини тортади, ўзига меҳр уйғотади. Унинг столида 74 та тематик буклетлар, 26 та альбом, 25 та жадвал, 4 жамлама ўқув кўргазмаси, 5 жамлама боланинг онгини ўстирадиган, ақлини пешлайдиган ўйинлар кўргазмаси мавжуд.

Ўз ўқувчисини боласидек кўра олган мураббий ҳақиқий устоздир. Ўқувчининг оилавий шароитини билмай туриб, у ҳақда тўлиқ маълумотим бор дейиш эса хато. Буни тўғри англаган Дания опа тарбияси оғир болаларнинг ота-оналари билан учрашишни, уйларига бориб шароитини ўрганишни канда қилмайди. Шунингдек мактабда ўқувчиларнинг санъатга бўлган қизиқишларини кучайтириш, миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми, асори-атиқаларимизни қадрлашга ўргатишда ҳам доимо жонбоз. Мактаб ўқувчилари орасида ўтказиладиган «Санъат ғунчалари» танловининг ҳам ташкилотчиларидан бири. Мазкур танловларда деярли Дания опа тайёрлаган ўқувчилар биринчи ўринни олишади. Бунда ҳам аввало ўз касбига фидойилик, қолаверса қилаётган ишидан мамнунлик бор. Сиз бор вужудингиз билан бирор ишга ёндашсангиз атрофдагилар ҳам ҳурмат билан қарашади, агар хоҳламай, истаб-истамай бажарсангиз ҳамма сиздан ўзини олиб қочади. Дания опа эса бирор ишни бошладими, унинг катта ё кичиклигига эмас, балки масъулиятига алоҳида эътибор беради. Ҳар бир тадбирни олий даражага чиқаришга ҳаракат қилади.

1993-95 йилларда мазкур мактаб директори ўринбосари бўлиб ишлаган пайтлари Дания опанинг иқтидори, имкониятлари янада равшанроқ кўринди. У кишининг иш тажрибаси фақатгина Хатирчи туманида эмас, балки бутун Навоий вилоятига ёйилди. Кўплаб мураббийлар иш ўрганиш, тажриба алмашиш учун Дания опага мурожаат қиладиган бўлишди. Баъзи мактабларда бир синф ота-оналарини йиғиш мушкул, у бутун мактаб ўқувчиларининг ота-оналарини йиғиб мажлис ўтказди. Бу қадар мушкул вазифани бажариш учун савия, иқтидордан ҳам кўра, эл орасида ҳурмат, эътибор қозониш лозим. Мактабнинг жамоатчилик ҳаётида ҳам жуда фаол қатнашади. Тарбиявий соатлар, тадбирлар Дания опасиз ўтмайди. У кишининг қўлланмалари, иш тажрибалари вилоят мактабларида ўрганилмоқда. Амалда фойдаланилмоқда.

Дания Ҳамдамова мактаб ҳаётидаги муносиб ўрни билан фахрланиб юради.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аҳоли диққатига!

Азиз ватандошлар ва юртимиз меҳмонлари!
«Ўзсаноатқурилишбанк»

энг юқори даромад берувчи
«Ҳамкор»
омонат турига

аҳолидан нақд пул маблағларини қабул қилмоқда.
«Ҳамкор» омонатига қабул қилинадиган пул маблағининг энг кам миқдори 10000 сўм бўлиб, 6 ой муддатга қўйилади ва ҳар ойда омонатга қўшиладиган 3 фоиз даромадини олиб ишлатиш мумкин. Ушбу омонат турига маблағингизни қўйган заҳотингиз бир ойлик фоиз даромади бирдан ҳисобланиб омонат қолдиғига қўшилади. Агарда ҳар ойда омонатга қўшиб бориладиган фоиз даромадини 6 ой муддат ўтгандан сўнг, омонат қолдиғи билан бирга олсангиз 19,4 фоиз даромад кўрасиз. Белгиланган муддат тугагандан сўнг, Сизнинг ихтиёрингизга кўра, ушбу омонат бир маротаба яна 6 ой муддатга қайта расмийлаштирилиши мумкин, бунда фоиз даромадлари 1 йил мобайнида омонат қолдиғига ҳар ойда қўшиб ҳисобланганда, йиллик даромадингиз 42,6 фоизни ташкил этади. Сармоянгиз ҳақидаги маълумотларни сир сақланиши, омонат шартларини тўлиқ бажарилиши ва Сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингизни қайтариб берилиши Банк томонидан кафолатланади.

Шошилинг, бу Сиз учун «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тухфасидир.

Сизни қизиқтирган саволлар бўйича қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин.
133-73-24, 136-75-49

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ,*
навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вакти 21.00. Топширилди - 21.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ПАЙШАНБА 25



1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Устоз».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Фавқулодда 20 дақиқа».
10.25 Кундузги сеанс: «Шимол ёғдусини ёқинг». Бадиий фильм.
11.40 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
12.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
12.45 «Ажаб саодат эрур...» Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 Болалар учун. «Кўғирчоклар жонланганда».
13.30 «Меҳр қолур, муҳаббат қолур». Мусиқий дастур.
14.10 «Қирол Лир». А.Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.35 «Инсон ва қонун»га хатлар.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
17.20 «Мен тўғилган тупроқ».
17.35 «Жавохирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд - умид юлдузи».
18.30 «Маслак ва мақсад». «Адолат» социал-демократик партияси.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
21.40 «Яхшиларга ёндошиб...» Ўзбекистон халқ артисти К.Раҳимов.
22.20 «Сомон йўли».
22.50 «Кулгу-терапия».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Фитна». Бадиий фильм.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью».
19.50 «Олтин мерос».
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 «Ёшлар» телеканалида.
20.05 «Мезон».
19.30, 20.20, 20.50, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Мутойиба».
21.25 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 Марказий сайлов комиссияси ҳабарлари.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 Давр. Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Интерфутбол. 2.Спорт китъаси.
01.15 «Хайрли тун!»

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-«Адолат» социал-демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 3-қисм.
20.20 «Манзарали фильм».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
21.45 «Сўзсиз монолог». Наби Раҳимов хотирасига бағишланади.
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.45 «Индаба». Телесериал. 16-серия.
23.10 «Саховат».
23.20 «Бухорохонгул кийими!».

Телефильм.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ, «Зирапча».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Сайлов-99».
19.00 «Ўорлднет» янгиликлари.
19.10 «Кино сайёраси».
19.25 «СНН-шоу».
19.40 «Будуалайнинг қайтиши». Сериал. 5-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».

21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.55 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. «Жаноб чапани йиғит». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Федерал полиция». Детектив сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

ЖУМА 26

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Опера санъати саҳифаларида».
9.10 «Ибн Сино таълимоти».
9.30 «Яхшиликдан фойда борми?» Мультфильм.
9.40 «Ватанпарвар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.30 Кундузги сеанс: «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
12.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
12.40 «Болалигим - пошшолигим».
13.00 «Осон эмас бу майдон ичра».
13.25 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.40 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.10 «Қирол Лир». А.Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.30 «Сомон йўли».
16.00 «Камарбаста аёллар».
16.15 «Шарқ тароналари».
16.35 «Кодекс»
16.50 «Ганга қизи». Бадиий фильм.
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Маслак ва мақсад». «Фидокорлар» миллий демократик партияси.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 «Ишончли ҳамкор».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 Время.
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.50 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф: «Шерик». Бадиий фильм.
01.25 «Ахборот» (рус тилида)
01.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 01.40 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Висол». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Мукаддассан, аёл». Аёллар учун кўрсатув.
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Сериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Федерал полиция». Детектив сериал.
24.00 «Бедорлик».

Диққат:
«Кўпкари — улоқ»



Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти Навоий туманининг маркази Исломободда бўлиб ўтади.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Ташкилий қўмита

ШАНБА 27

1 TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Хидоят сари»
9.35 «Ҳаёт чашмалари».
9.55 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
10.30 «Соғлом авлод учун»
10.50 «Табассум кўчаларида».
11.30 «Нотаниш дил суҳбати».

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 Мусиқий лаҳзалар.
10.45 Марказий сайлов комиссияси ҳабарлари.
11.00 «Тил ва дил».
11.25 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.45 Ёшлар куйлайди.
12.00 «Ракурс».
12.20 «Рамаяна». Телесериал.
12.55 Мен овоз бераман.
13.00 «Рақслар қанотида».
13.20 «Ёшлар овози».
13.45 Шу кунниг мавзуси.
14.05 «Еш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
14.50 Мусиқий глобус.
15.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
16.10 «Ёшлар» телеканалида.
16.15 Синема.
17.40 Сенинг вақтинг.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («У ким, бу нима», Мульттомоша)
18.35 «Дилбарим».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Кинотақдим».
19.50 Мен овоз бераман.
19.55 «Матбуот».
20.05 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Бизнес-академия.
20.30, 21.10, 23.10 Эълонлар.
20.35 «Рамаяна». Телесериал.
21.20 «Шеърий лаҳзалар».
21.45 «Рақслар жилоси».
22.10 «Фаровонлик бекати».
22.45 «Индаба». Телесериал. 17-серия.
23.05 «Ёшлар куйлаганда_»
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ, «Никоб».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16:10 «Сайловлар ва биз». Ҳокимият вакиллик органлари.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Бу ажиб дунё».
19.05 «Ўорлднет» янгиликлари.
19.15 «Дурдаршан».
19.35 «Дил изҳори».
19.15 Эфирда-Халқ демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 5-қисм .
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Меҳр нури».
21.20 «Сиз соғинган наволар».
21.55 «Даллас». Телесериал.
22.45 «Оқшом иньоми». Дам олиш дастури.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 Кинонигоҳ, «Жазо боскичи».
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Болалар олами».
9.20 «Кино сайёраси» .
9.35 «Дурдаршан».
9.55 «СНН-шоу».
10.10 «Океан ортига саёҳат. Япония».
10.25 «ТВ-4да Немис тўлқини».
10.40-11.55 Кинематограф: «Бадди». Бадиий фильм.

***

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бинафша».
18.25 «99 йил қўшиқлари».
18.55 «Бу ажиб дунё».
19.10 «Дил изҳори».
19.20 «Бойвачча Рич». Кинокомедия.
21.00 «Время».
22.00 «Биргаликда куйлаймиз».
22.45 Кинематограф: Уилл Смит «Жамият душмани» фильмида.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.30, 20.20 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00 Тушки кино.
14.15 Мусиқий дастур.
15.00 Ҳинд киноси.
17.30 «Мусикроунд». Мусиқий-дам олиш дастури.
18.30 «Ҳуржунсиз сафар».
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «Ҳафта фильми».
23.10 Мусиқий дастур.
24.00 «Бедорлик». фильмида (АҚШ).

ЯКШАНБА 28

1 TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Шарқнинг машҳур аёллари».
9.20 «Қўшиқ билан кўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.45 «Гаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат киламан».
11.00 «Шинаванда бола». Телешоу.
11.30 «Шохруҳ» клуби.
12.00 «Мунозара».
12.40 «Муштарак оҳанглар». Мусиқий дастур.
13.10 «Эл тинчлиги йўлида».
13.35 «Эр-хотин қўш ҳўкиз». Ҳажвий теленовелла. 2-қисм.
14.05 «Кўзгу».Тележурнал.
14.35 «Аруз гулшани».
14.45 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.45 «Гаройиб ходиса». Бадиий фильм.
17.50 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин.
18.10 «Санъат олами».
18.30 «Маслак ва мақсад». Миллий тикланиш демократик партияси.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Кўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
21.50 «Халқнинг кўнгли».
22.10 «Интерспорт».
22.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.35 ТВ-1 намойиш этади. Телеанализ.
«Аср мўъжизаси»
23.50 Кино янгиликлари.
00.05 Ўзбек киноси ижодкорлари.
00.25 «Яна ўша Насриддин». Телевизион бадиий фильм.1-2 серия.лар. (Ўзбектелефильм)
02.05-02.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади:
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 101-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
10.50 «Дунёга йўл».
11.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
12.10 «Лаззат».
12.30 «Рамаяна». Телесериал.
13.05 «Мезон».
13.20 Мен овоз бераман.
13.25 «Мутойиба».
13.50 «Эркин фикр». Теледебат.
14.20 Мусиқий дастур.
14.35 Цирк, цирк, цирк...
14.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
15.10 Мусиқий лаҳзалар.
15.20 «Синфдош».
15.40 Компьютер-Азия.
16.00 Синема.
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий кўрсатув.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», Мульттомоша)
18.40 Спорт хафтаномаси.
19.00 Мусиқий лаҳзалар.
19.10 «Ёшлар» телеканалида.
19.15 «О, ёшлигим» .
19.35 «Хаёл».
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 «Давр». Ҳафта ичида.
20.40, 21.20, 23.10 Эълонлар.
20.45 «Рамаяна». Телесериал.
21.25 Якшанбада кўришгунча.
21.45 «Обид-шоу».
22.30 Бу мунис лаҳзалар.
22.50 «Олам футболи».
23.10 Синема: «Долорес Клэйборн»
1.20 «Хайрли тун!»

TV

9.00 «Тонги пойтахт».
9.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Таянч».
10.20 «Дилором наволар»
10.30 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
10.55 Болажонлар экрани. «Бах ва Брокколи».
12.30 «Дурдона».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Туризм ҳақида».
14.05 Кинонигоҳ, «Жазо боскичи».
15.35 «Комилжон Отаниёзов куйлайди». Фильм-концерт.
16.10 Такрорий фильмлар экрани. «Фиришгар найранги».

*

17.50 «Ойнаи жаҳонда».
18.05 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «XXI аср авлодлари».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.15 Эфирда-«Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 6-қисм.
20.20 «Мусиқий лаҳзалар».
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ибрат» .
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Нуроний». Маросимлар ҳакида ўйлар.
22.50 «Етти иқлим оҳанглари».
23.10 «Хориж ҳангомаси».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ, «Полиция академияси».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили).
11.30-12.15 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар».

***

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Тенгдошлар»
18.25 «Кинопрофи».
18.45 «Аёллар билан содир бўлган воқеалар».
19.20 Жан Клод Ван Дам «Қийин ўлжа» фильмида.
20.45 «Дил изҳори».
20.55 «Британия кундалиги».
21.10 «Интернет худуди».
21.25 «Мюзик-холл».
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.00 «Буржлар башорати».
23.00 Якшанба кинозали. Лаки страйк намойиш этади: «Енгилмас».
00.50 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.30, 20.20 — «Клип-фотосовғача» танлови.
11.40 «Клип-совғача».
12.00, 14.10 — Тушки кино.
15.00 «Оилавий кино».
16.40 «Брейн-ринг»(
17.35 «Юлдузлар майдончаси», Мусиқий-дам олиш дастури.
18.30 «Висол». Мусиқий дастур.
19.00 «Амалиёт». Детектив сериал.
20.30 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да якшанба кинооқшоми.
24.00 «Жаҳон ринги юлдузлари 30-да». Спорт дастури.

ЎзРФА Тарих институти жамоаси институт илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Д.А. Алимовага оналари **Раҳбар ая АЛИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.